

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**


**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

Компьютер инжиниринги факультети

Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси

**ФАЛСАФА
фанидан**

РЕФЕРАТ



Топширди:

620-14 гуруҳ талабаси Б.Исломов

Қабул қилди:

катта ўқитувчи Ш.Холматов

Фарғона – 2017

МАВЗУ: ИНСОН ФАЛСАФАСИ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ИСЛОХОТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МОҲИАТИ

РЕЖА:

1. Инсон оламнинг таркибий қисмидир. Инсон табиати ва моҳияти. Инсон борлиги.
2. Инсон ва шахс. Шахснинг табиий, ижтимоий ва маънавий-психологик хусусиятлари.
3. Инсон манфаатлари, унинг моддий ва маънавий эhtiёжлари. Ислохотлар – инсон манфаатларини рўёбга чиқариш жараёнидир.
4. Инсон муаммосини ўрганишнинг зарурати ва аҳамияти.

1. Инсон оламнинг таркибий қисмидир. Инсон табиати ва моҳияти. Инсон борлиги.

Инсон тўғрисидаги илк тасаввурлар фалсафа майдонига келишидан анча аввал ҳам бўлган. Булар табиат ва инсон нисбати тўғрисидаги эртакларда, турли асотирларда (мифларда) ифодаланган энг содда фикрлар эди. Айни шу фикрлар асосида ва улар билан алоқадорликда инсонни фалсафий тушунишга доир таълимотлар юзага келади. Инсон ва унинг моҳияти ҳақидаги дастлабки бундай фалсафий таълимотлар Қадимги Хиндистон, кейинроқ Хитойда ривожланди.

Қадимги Хиндистон фалсафасида бу масала "инсон қаердан пайдо бўлган", "биз қаерда яшаймиз", "қаёққа қараб бораяпмиз" каби саволлар тарзида қўйилиб бу саволлар тарзида қўйилиб, бу саволларга берилган жавобларда инсоннинг ижтимоий - маънавий моҳиятини таҳлил этиш билан бирга унинг барча жонли мавжудотлар билан умумийлигига ҳам эътибор қаратилган.

Инсон муаммоси таҳлилида хитойлик ***Конфуцийнинг*** таълимоти алоҳида ажралиб туради. унинг фалсафий қарашларида инсоннинг ахлоқий табиати, оиладаги ҳаёти ва давлатни бошқариши масалалари катта ўрин олган. Гарчи Конфуций таълимотида табиат масалалари алоҳида ва бевосита ўрин олмаган бўлсада "осмон" ва "осмон ҳукми" тушунчаси хийла катта салмоққа эгадир. "Осмон ҳукми" - бу тақдир бўлиб, инсон ҳаёти ва ўлими унинг томонидан белгилаб қўйилган.

Конфуцийнинг "ўзинга нимани истасанг, бошқаларга ҳам уни раво кўр", деган фикрида инсонийлик, кишиларга иззат ҳурмат кўрсатиш йўллари ифодаланган. У яна билиш - инсонни билишдир, деб айтган эди.

Конфуцийчилик билан ёнма - ён мавжуд бўлган ***даосизм*** (дао - йўл демакдир) фалсафий мактаби вакиллари ҳам инсон муаммосини жиддий тадқиқ қилганлар. Бу мактаб вакиллари таълимотига кўра инсон ўзининг ҳаётида дао - бутун Оламнинг ўз ўзидан келиб чиқиши, ривожланиши ва барҳам топишининг доимий табиий қонунларига амал қилиб яшаш керак. Яъни, унинг барча хатти-ҳаракатлари Олам қонунлари ва инсоний табиатга мос бўлмоғи лозим.

Тасаввуф таълимотига кўра, инсон борликдаги энг мукаммал мавжудот бўлиб, ўзида оламнинг моҳиятини жам этади. Шунга кўра борлик - дунё оламу кабир бўлса, инсон олами сағирдир. Агар Коинот микёсида борлиқнинг бирлиги худога ифодаланса, хоссалари кўринишининг ифодаси - инсондир. Инсон тинимсиз ўз-ўзини билиш орқали комиллик даражасига эришиш имкониятига эга.

Ислом фалсафаси вакиллари инсон муаммосининг барча асосий жиҳатлари билан шуғулландилар. Жумладан, уларни инсоннинг келиб чиқиши, унинг оламда тутган ўрни, воқеликни ўзлаштириш имкониятлари, эзгулик йўлини танлаган инсоннинг идеали ва ҳақозо масалалар қизиқтирган

эди. Бу масалаларни тахлил этиш натижасида Форобий инсоннинг барча мавжудотларидан фарқи ақл идрокдадир, деган хулосага келган бўлса, Ибн Сино ақлнинг ўзини умумий қарашлар ва алоҳида нарсалар тўғрисида фикр юритишга қодирлик шаклида талқин қилади.

Бу муаммо ҳақидаги **Берунийнинг** фикрлари ҳам аҳамиятлидир. У инсоннинг Худо томонидан яратилганлигини кўрсатиб, айна вақтда унинг бутун ҳаёти ва жисмоний тузилиши жўғрофик омиллар билан ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатиб шундай деган эди: "инсон танаси, ранги, ҳақиқий киёфаси, табиий белгилари фақат келиб чиқишигагина эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва турар жойига ҳам боғлиқдир".

Инсон муаммоси тахлили янги замон фалсафасининг барча босқичларидан эгаллаган ўрни, тутган аҳамиятига кўра ўтмиш даврларида мавжуд бўлган таълимотлардан сифат жиҳатидан фарқланди. **Уйғониш даври** тафаккурида ўтмишдаги таълимотларнинг биронтасида бўлмаган ҳол - инсонни бетакрор индивидуалликларнинг йиғиндиси сифатида олиб қараш бошланди, инсоният бетакрор инсонлардан ташкил топгани кўрсатилди. Бундан эса тирик табиатда бўлганидек, инсон табиатининг ҳам бир хил эмаслиги, айна пайтда инсони билан инсониятнинг манфаатлари муштараклашадиган муҳим нукталар борлиғи тўғрисида хулосалар чиқарилади.

Бу давр фалсафасида биринчидан, инсон, унинг алоҳидалик сифати ва имкониятларининг чексизлиги масаласи турса, иккинчидан, индивидуализм, эгоизм (худбинлик), манфаатпарастликнинг ҳам фалсафий таҳлиллари кўрина бошланди. "Инсон инсонга бўри", "ҳамманинг ҳаммага қарши уруши" кишилар ҳаётининг табиий ҳолати (**Т. Гоббс**), деган қарашлар келиб чиқиши тасодиф эмас эди.

Немис мумтоз фалсафаси асосчиси **И. Кант** учун "инсон дунёдаги энг асосий мавжудотдир". У бир томондан, табиатга тегишлидир, иккинчи томондан - ахлоқан эркин ва, учинчидан, доимо қадриятлар билан иш кўради. Бу сифатларнинг биринчисида инсон зарурият олдида турса, икинчисида маънавий эркинликка эгадир.

Инсон муаммоси **З. Фрейд** асос солган руҳий таҳлил фалсафасида катта ўрин тутган. Унинг фикрича инсон онги ёрдамида ўзининг "МЕН"ига ҳам эга бўлади. Айна вақтда унда инсон руҳининг олий қатлами - "суперМЕН" ҳамда энг паст кучли қатлам "У" ҳам фарқланмоғи лозим. Булар биргаликда олингандагина инсон ўз руҳий борлигини тушунтира олади.

XX аср фалсафасида инсон муаммосини алоҳида ўрганишни мақсад қилиб қўйган экзистенциалистлар (Ясперс, Хайдегер, Сартр, Камю ва бошқ.) нуқтаи назарига кўра, индивид эзгулик ва евузликдан бирини танлаши масаласи фалсафий муаммолар марказида турмоғи лозим.

Инсон биосоциал мавжудот сифатида.

Таянч тушунча ва иборалар: Антропогенез, инсон биологик мавжудот сифатида, инсон ижтимоий мавжудот сифатида, инсон-биосоциал мавжудот,

Ҳозирги замон инсон фалсафасининг мазмуни давр қўйган масалаларга жавоб бериш билан тақозолангандир. Ҳақиқатдан ҳам инсоният ҳозирги вақтда илмий билимлар ва долзарб ҳаётий муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган илмий техникавий ва маданий воситалар етишмаётганлигини эмас, балки бу воситалардан донолик билан фойдаланишмаётганлигини яққол сезмоқда. Бу донолик марказида доимий кадриятлар ҳисобланган тинчлик, донолик, ижтимоий адолат ва бошқалар туради.

Антропогенез доирасида инсоннинг биологик табиати билан ижтимоийлиги нисбатини аниқлаб олиш муҳимдир. Умуман олганда бу муаммони ўрганиш инсоннинг энг қадимги тарихидан бошлаб долзарб бўлиб келмоқда. Негаки, инсоннинг айна бир вақтнинг ўзида ҳам жонли табиатга, ҳам жамиятга мансублиги ҳар доим кўпгина масалаларни келтириб чиқариши билан бирга тўғридан - тўғри, принципиал жиҳатидан дунёқараш масалаларини ҳам кун тартибига қўяди. Буни Арастунинг, инсон "сиёсий ҳайвондир", деган сўзларида ифодаланган маънодан ҳам билса бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам *Homo sapiens* тури биологик жиҳатдан *Homo* уруғининг *Homo habilis* (қобилиятли одам), *Homo erectus* (тикка юрувчи одам) каби турларидан фарқ қилинмасада, лекин бир хил сезиш органлари, бир хил қон айланиши, мускул, нафас олиш, суяк тизимлари ва ҳақозоларга эгадир.

Булардан келиб чиқиб инсоннинг барча хатти - ҳаракатлари, орзу истаклари ва фаолияти турлари охир оқибатда биологиявий тақозо этилган дейишга асос борми? Фалсафа тарихида бунга икки хил: инсон белгиловчи томонига кўра, биологик мавжудот ва инсон ижтимоий мавжудот, ижтимоийлик унинг биологиявий табиатини охир оқибатда белгилайди, деган жавоблар берилган.

Биринчи хил жавоб тарафдорларидан баъзилари ҳозирги замон социобиология илми далилларига таяниб шундай мулоҳаза юритадилар: инсон хатти - ҳаракатининг асосий стереотип кўринишлари бўйича барча сут эмизувчиларга анча яқин. Ўзига хосликларига кўра эса инсон ўзининг бевосита ўтмишдошлари бўлган гуруҳга мансубдир.

Фрейд ва унинг тарафдорлари таъкидлашича, инсон ҳам бутун ҳайвонот дунёсида бўлгани каби хилма - хил инстинкт туфайли ҳаракат қилади. Биринчи ўринда улар ичида инсон авлодини давом эттириш, жинсий инстинкт туради. Шу билан бирга инсон ўзида фаолиятини маънавий, ҳуқуқий чекловчи ижтимоийлик сифатлари бўлгани учун бошқа ҳайвонлардан фарқ қилади. Бу ижтимоий сифатлар туфайли инсон ўзининг шахвоний хирсини чеклаши лозим бўлади.

Иккинчи нуқтаи назарга кўра (А. Н. Леонтьев ва б.), одам боласи инсон бўлиш қобилияти билан туғилади. Бу ўринда табиат томонидан белгиланган ва инсон томонидан давом эттирилган хусусиятлар соқов, қар, кўр бўлган болаларда қандай намоён бўлиши устида утказилган тажриба яқунлари ҳам катта аҳамиятга эга. Москва университети психология факультетида ўтказилган тажриба жараёнида уларга дастлаб ёзиш кўникмалари ўргатилди. Ундан кейин эса улар аста секин гапиришга, Бройл алифбоси бўйича ўқишга

ўргатилди. Натижада, табиий кўр, соқов ва карлигича қолганлари ҳолда улардан тўрттаси университетни тугатган.

Кўриниб турибдики, *инсоннинг ижтимоий моҳиятини биринчи ўринга қуйиш жиддий асосга эга*. Агар бунинг ёнига инсоннинг баъзи биологиявий хусусиятлари ҳам ижтимоий сабаблар билан белгиланиши қўшилса, далиллар янада асосли бўлади. Масалан, Ер юзининг ижтимоий - маданий ривожланиши юксак босқичга кўтарилган минтақаларида одамларнинг эрта вояга етиши, соғломлиги, бўйдорлиги ва узоқ яшаши кўзатилади. Кам ривожланган минтақаларда эса унинг акси учратилади.

Инсоннинг фалсафий таҳлил этиш доирасида бу икки хил қараш бир - бирини тўлдиришини ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Демак, *инсон биоижтимоий мавжудот деб қаралмоғи лозим*. Бу инсонда биологиявийликнинг ижтимоий тақозоланганлигини ва ижтимоийликнинг биологик заминлари борлигини кўрсатади.

Инсон ривожланишида биологиявий ривожини ижтимоий - маданий ривожланиш босқичига ўтиши билан юзага келган бу бирлик унинг моҳиятини белгилайди.

Инсон ҳаёти, ўлими ва мангулиги муаммолари.

Ҳар қандай жонли мавжудот сингари инсон ҳаётининг ниҳояси борлиги, бошқа мавжудотлардан фарқли ўлароқ у ўзининг охир оқибатда ўлимга маҳкумлигини англаши ҳам фалсафий муаммолар доирасига киради. Бу - тасодифий ҳол эмас. ***Инсон ҳаёти ва ўлими масалалари*** асотирлар ва динларда ҳам марказий ўринни эгаллаган. Кишиларда дастлаб ўлимдан кўрқиш туйғуси кучли бўлган. Кейинроқ асотирий диний тасаввурлар воситасида бу жараён мажбурий эканлиги ҳақидаги эътиқод билан алмашинди. Асотирларда ҳайвонлар ҳам, кишилар ҳам ўладиган тана ва ўлмас руҳга эга деб кўрсатилган. Руҳ нозик, номоддий табиатга эга бўлиб, ўзида инсон вужуди тимсолини гавдалантирган. У йўқолмайди, ўлмайди ва ўз маконида яшайди, ҳамда ўз жойини алмаштириб туради. Баъзи диний таълимотларда тана ўлгач, руҳ бир жонзотдан иккинчисига ўтиб туриш кўрсатилган.

Турли фалсафий йўналишлар ва мактаблар ҳаёт ва ўлим масалаларини турлича тушунтирганлар. Фалсафа тарихида айрим буюк файласуфлар учун бу масалалар шахсий ҳаёт тақдирини хал қилиш билан боғлиқ бўлган. Масалан, Сукротнинг ўз ўлимига розилиги ҳақидаги қарори унинг ҳаёти учунгина эмас, балки ундан кейинги фалсафий муаммолар ривожланиши учун аҳамиятга эга бўлган. Афлотун бу қарорда файласуф учун ўз ҳаётини олийжаноблик билан тугатиш имкониятини кўрган. Унинг фикрича инсон маънавий мавжудот сифатида илоҳий моҳиятга эга. Бу унинг ўзини устида ишлаши, ўзини такомиллаштириши ва илоҳий дунё сари интилганлигида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ўлим масъулликдир, яъни маънавиятли инсонда ўлимдан кўрқиш туйғуси бўлмайди.

Ислом динида инсон ҳаёти, унинг маъноси ва ўлими масаласи катта ўрин олган. Ҳаётнинг маъноси - бу руҳнинг саломатлиги, доимий роҳат

фарогатга элтувчи меҳнат ва билимдир. Инсон ўз ҳаётини худбинлик ва ёвузликдан сақламоғи, бутун умри давомида охиратни уйламоғи керак.

Суфий мутафаккирлар - А. Гиждувоний, А. Яссавий, Н. Кубро ва Б. Накшбанд таълимотларида ҳаётнинг маъноси, ўлим ва мангулик масалалари инсоннинг илоҳий моҳиятини билишга интилиши, ҳалол меҳнат қилиб бошқаларга меҳр - мурувватли, раҳм - шафқатли бўлиши билан боғлиқ равишда ёритилди.

Европадаги Янги давр фалсафасида ҳам Шарқ фалсафаси таъсири остида ҳаёт ва ўлим масалаларига янгича қарашлар шаклланди. Жумладан, ҳаёт ва ўлимни икки антропологиявий моделда - табиий инсон ва янги Европача инсон моделлари орқали ифодаланади. Агар биринчи моделда инсон фанлар объекти бўлса, иккинчисида у ўзини оламнинг маркази сифатида англаган, ақл - идроки ва эркинлигини ўзи йўналтирадиган, ўз ҳаётини ўтмишдан ҳозирги, ундан эса келажакка қараб боришини тушунган мавжудот сифатида баҳоланади.

Ҳозирги инсон фалсафаси бу муаммо таҳлилида ўз ичига 20 тагача оқимни олади. Уларнинг барчасида асосан инсон моҳияти, мазмуни ва нияти мушоҳада қилинади. Бу таълимотларга кўра, инсон моҳияти масаласи таҳлилида ҳозирги цивилизация қадриятлари талабларини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозиргача эришилган юксак цивилизация сабоқларига асосланиб инсон муаммоси таҳлилида янги давр фалсафий таълимотлари ўртага қўйган ғояларга ҳам таянмоқ керак. Янги инсон модели табиий инсон моделини ҳам ўзига сингдиради. Шу сабабли янги ижтимоий, маънавий инсон модели юзага келди. Ҳозирги инсон кўпроқ шартли мулоҳазалар асосида яшашга мойилки, уни бундай яшаш ва фикрлаш йўлига радио, телевидение, кино, театр, бадиий адабиёт ва албатта, ўзининг мустақил фикр - уйлари олиб келган. Натижада у ўзининг ўлиmidан кейинги ҳаётдан кўпроқ ташвишланмоқда. Ҳаёт қанча яхши бўлса, кишига ўлим шунчалик дахшатли кўринади.

Маълумки, ўлим экзистенциал томондан олинганда, инсон индивидуал ҳаётининг шунчаки йўқолиб кетиши эмас. Ўлим олдида кўрқувни йўқотиш - қай тарзда уни маъноли ва ҳатто, ҳаётнинг зарурий моменти сифатида англашдир. Дарҳақиқат, ўлимни табиий объект сифатидагина қараш мумкин эмас. Ўлимни ҳар доим зарурият сифатида идрок этиш лозим.

Ўлимни маънавий англашдан ундан кейинги умрнинг маъноси тўғрисидаги масала келиб чиқади. Бошқача айтганда, бу маъноли яшалган умрнинг ўлимдан кейинги давоми, яъни юксак мангулиги масаласидир. **Мангулик** - инсон ўз ижодий, яратувчилик фаолияти билан ҳаётда абадий из қолдиришдир. Инсон дунёда қолдирган яхши ном - унинг иккинчи умридир. Шу сабабли инсоният хайрли, адолатли ишлар қилиб, яхши ном қолдирган кишиларни абадий ҳурмат билан тилга олади.

2. Инсон ва шахс. Шахснинг табиий, ижтимоий ва маънавий-психологик хусусиятлари.

Инсонга, унинг шахсига ортиб бораётган қизиқиш ҳар бир жаҳон тарихий тараққиёти бурилиш даврларининг характерли хусусиятидир. Шахс мавзусига, инсоннинг ривожланиши, унинг маънавий-ахлоқий яхлитлиги масалаларига ортиб бораётган диққат - эътибор энг аввало умумбашарий муаммоларнинг кескинлашаётганлиги билан боғлиқ.

Ҳозирги замон файласуфларининг **шахс маъсулияти, мажбуриятлари** ва **ҳуқуқи** масалаларини кун тартибига қўйиш ва муҳокама қилишга интилишлар - ижтимоий янгиланишнинг белгиларидан биридир. Агарда аввалги йиллардаги адабиётларда **«шахс»** тушинчаси **«омма»** тушунчасига қарама - қарши қўйилиб қаралган бўлса, ҳозирги замон адабиётида тарихнинг оммавий иштирокчиларининг индивидуал - шахсий сифатларига кўпроқ аҳамият берилмоқда.

Инсонга хос бўлган энг асосий хусусиятларни характерлаш учун фалсафада **«индивид»**, **«индивидуаллик»** ва **«шахс»** каби атамалар ишлатилади.

Инсон мавжудот сифатида реал индивидлар орқали конкретлашади. **«Индивид»** тушунчаси, биринчидан, олий биологик турнинг алоҳида кўринишини, иккинчидан, ижтимоий бирликнинг алоҳида айрим бўлагини билдиради. Индивид тушунчаси инсонни унинг алоҳидалик ва айримлик аспектида тавсифлайди: Ҳар бир индивид ўзининг хослигига, алоҳида яхлитлик сифатида бир қатор хоссаларга эгадир: яхлит морфологик ва психологик тузилмаллиги, муҳит билан ўзаро муносабатда турғунлик, фаоллик. Демак, индивид якка - ёлғиз одам эмас, балки одамлар гуруҳи, жамоаси орасида ўзининг алоҳида, такрорланмас хусусиятларига эга бўлган айрим кишидир. Шу билан бирга индивид, ўзи мансуб бўлган гуруҳ, жамоа, ижтимоий бирликнинг энг умумий хусусиятларини ўзида мужассам этади. Одамда умумийлик билан айримлик уйғун ҳолда намоён бўлади.

Индивид тушунчаси орқали ҳар бир алоҳида олинган одамнинг у шаклланган ижтимоий шароитларга нақадар боғлиқлигини кўриш мумкин. Инсон ўзини англай олган дақиқадан бошлаб у ижтимоий муносабатлар махсули сифатида намоён бўлади.

Киши туғилган ва шаклланган давр, у мансуб бўлган халқнинг маданият даражаси, у тааллуқли бўлган ижтимоий гуруҳнинг турмуш тарзи - буларнинг ҳаммаси индивид хатти - ҳаракатига ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун инсонга хос бўлган жуда кўп сифатлар, шу жамият ва муҳит таъсирида шаклланади. Лекин, **ижтимоий муҳит** кишиларнинг хатти - ҳаракатларини ўзил - кесил белгилайди деган фикрда бўлиши ҳам нотўғри. Чунки, ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўз қилмишлари учун маъсулиятни тўла англайди ва жамият олдидаги мажбуриятларини тўла хис этади. Кишиларнинг бу хилдаги сифатлари эса **«индивидуаллик»** ва **«шахс»**

тушунчалари орқали ифодаланади. Инсон ижтимоий муносабатлар маҳсули ва субъектидир. «**Индивид**» тушунчаси инсоннинг ижтимоий муносабатлар маҳсули эканлигини ифодаласа, «**индивидуаллик**» ва «**шахс**» тушунчалари ижтимоий ҳаётнинг фаол субъекти сифатида инсон ўзида шакллантира олган ижтимоий аҳамиятга молик сифатларни акс эттиради. «**Индивидуаллик**» ва «**шахс**» тушунчалари маъноси жиҳатидан бир-бирига жуда яқиндир. Лекин бу сўзлар инсонга хос бўлган турли ижтимоий сифатлар ва характер томонларини ўзида ифодалайди. «**Индивидуаллик**» тушунчаси орқали биз инсонни ўзига хос хусусиятларини акс эттирсак, «**шахс**» тушунчаси ундаги мустақилликни, онгли равишда қарор қабул қилиши хусусиятини белгилайди.

«**Индивидуаллик**» тушунчасида ҳар бир инсон ҳаёти, фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўладиган ўзига хосликлар ифодаланади. Моддий ишлаб чиқаришни амалга ошириш жараёни, сиёсий вазифаларни хал этиш йўллари, маълум объектнинг санъат асарларидаги турли туман талқини ва хоказолар пировард натижада ижрочиларнинг таланти, ташкилотчилиги, ўз бурчларига фидойилиги каби кўплаб хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Индивидуалликда ижобийлик ўз аксини топади. Унинг қарама-қарши муқобилини индивидуалликда ифодалаш қабул қилинмаган. Масалан, ўзи нўноқ ёзувчининг индивидуал хусусиятлари тўғрисида махсус гапирилмайди. Индивидуаллик алоҳида олинган инсоннинг аниқ хатти-ҳаракати, малакаси, лаёқати, одат ва кўникмаларини ифодалайди. Унинг мазмуни ўрта арифметик даражада олинган инсон сифатларидан ҳамма вақт ортиқлиги билан ажралиб туради. Гап шундаки, индивидуалликда инсоннинг ҳам ташқи ва ҳам ички бетакрор хусусиятлари жамланган бўлади. Шунга кўра ҳам бу хусусиятлар йиғиндиси, ўртача одам сифатлари йиғиндисидан доимо ортиқ бўлади. Буни ижтимоий тарих мисоллари етарлича тасдиқлайди. Масалан, Ўзбекистонда IX - XV асрларда яшаган мутаффақкирлар фалсафа, фан, дин ва санъатда шундай янгиликларни бердиларки, бўлар нафақат ўз даври учун юксак раванқни билдирди ва яна ундан кейинги даврларда ҳам кўпгина халқлар, хусусан оврупаликлар тафаккури ривожланиши учун зарур тўртки бўлди. Шу муносабат билан инсон индивидуаллиги хусусиятларининг намоён бўлиши шарт-шароитлари масаласини мулоҳаза қилиш зарурияти туғилади. Юқоридаги мутаффақкирларни табиат шунчаки яратмаган, балки муайян ижтимоий тарихий эҳтиёж шакллантирган. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ўзига хослик, бетакрорлик индивиднинг сифати, у шулар билан характерланади, шахс эса индивидга дахлдор бўлган мана шу хоссалар билан бирга эркин мустақил фикрлайдиган ва маълум шароитда маъсулиятни ўз зиммасига ола билиш фазилатларини мужассамлаштирган инсондир. Шу маънода «шахс» тушунчасида даставвал инсоннинг жамиятда тўтган ўрни ва амалга оширган функциялари гавдаланади. Ижтимоий фанлар ўрганадиган соҳаларга шахс муаммосини киритишнинг боиси ҳам ана шундадир.

«**Шахс** ўзининг ижтимоий шароитига боғлиқ бўлган ва индивидуал суръатда ифодаланган сифатлар (интеллектуал, эмоционал, иродавий ва бошқалар) га эга бўлган одамлардир. Шахс ижтимоий манфаатлар асосида

таркиб топадиган бутунлик (одамлар гуруҳи) ни ўзида ифодалайдиган, унга хос бўлган сифат (фазилат ва курс)ларга эга бўлган, ўзи мансуб гуруҳлар манфаатини фаол ҳимоя қила оладиган, ўз позициясига эга, шу асосда кўрсатадиган фаолият учун жавобгар бўлган индивидуалликдир. Бинобарин, муайян умумийлик, яхлитлик айрим шахсларда ўз ифодасини топади»

«**Шахс**» тушунчасида даставвал инсоннинг жамиятда тўтган ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодаланади. Шунга кўра, жамиятни ўрганадиган барча фанлар доирасига ҳам шахс масалалари киради. Жумладан, жамиятшунослик, руҳшунослик, таълимшунослик каби қатор фанлар уни шахс сифатида олиб текширади.

Муайян маънода шахс – яхлит жамиятнинг алоҳида олинган ажралмас бўлагидир. Унда даставвал мавжуд ижтимоий муносабатлар мажмуаси бўлади.

Шахснинг жамият билан муносабатлари ўзига хос жиҳатларга эгадир. Шахснинг ўзлиги даставвал, унинг муайян даражадаги мустақиллигидир. У ўзининг шу ҳолати билан ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида иштирок этади. Албатта, гап бу борада етук шахс тўғрисидадир. Лекин, янги туғилган чақалоқнинг шахс бўлиши имконияти фақат жамиятда воқеъ бўлади. Демак, шахсни жамият вояга етказди. Чақалоқдаги инсоний имкониятлар жамият муҳити таъсирида амалга ошиб, ўз тақомилига эришади.

Шахсни тавсифлашдаги энг муҳим нуқта унинг ахлоқий- маънавий моҳияти ва шу асосда амалга оширадиган хатти-ҳаракатларининг табиатидир. Шахс мазмуни ва уни баҳолашда, шахс онгининг йўналиши, шахсий мўлжаллари таркибий қисм ҳисобланади. Тўғри, ижтимоий муҳит шахс шаклланиши ва ҳулқига муҳим таъсир кўрсатади, бироқ шахсий ориентация – мўлжаллар ва ҳулқ инсоннинг ички маънавий дунёси билан белгиланади. Инсонда интеллектуал – ахлоқий, иродавий фазилатлар қанчалик ёрқин бўлса, унинг ҳаётий мўлжаллари ҳам умуминсоний қадриятлар билан кўпроқ мувофиқ келади, у бу қадриятларнинг тасдиқланишига ижобий таъсир этади. Бу ерда шахс руҳи, эркинлиги ижодкорлиги ва эзгулиги кучларни алоҳида аҳамиятига эга. Шу нуқтаи назардан, шахс ўзининг биологик малака ва кўникмаларида юқорига кўтарилади ва маълум маънода, ҳатто уларга барҳам беради.

Инсон шахсининг шаклланишидаги биринчи босқич - оиладир. Гудак оилада илк бора ижтимоий-маданий қадриятларни ўзлаштиради ва улар замирида фаоллигини ошириб боради. Мактаб, турли ижтимоий гуруҳлар (масалан, тенгдошлари спорт уюшмалари ва бошқалар) билан мулоқот давомида маданий идеаллик қарор топиб, шахс шаклланишининг муҳим жиҳатларига айланади.

Шахснинг маданий идеали у мавжуд бўлган миллат, ижтимоий гуруҳда амалда бўлган қадриятлар доирасида шаклланади ва ривожланади. Шахснинг идеали миллат ёки ундаги турли гуруҳлар учун типик бўлган идеалдан фарқ қилмоғи лозим. Бу типдаги идеал одатда болаликдан қарор топади. Маданий идеалда эса жамият ривожланиши ўз аксини топади. Шунга кўра, ҳар қандай жамият маданиятида инсон шахсининг етуклиги даражаси тўғрисидаги

тасаввурлар ишлаб чиқилган ва бу тасаввурларда ўша жамиятнинг маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятлари ўз аксини топган.

Шахснинг маданий идеали унинг жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги фаолияти мотивлари ва мақсадларини ўз ичига қараб олади.

Шахс ўзининг маданий идеалини рўёбга чиқариш учун турли-туман ижтимоий гуруҳлар доирасида муайян ўринга эга бўлиши ва муайян вазифаларни, ролларни бажариши лозим. Булар эса шахснинг фаоллиги туфайли юз беради. Инсон фаолияти шахс ривожланиши ва унинг турли ижтимоий ролларни бажаришида асос ҳисобланади. Фақат фаолият туфайлигина шахс ўзини намоён этади, тасдиқлайди.

Инсоннинг ижтимоий - фаоллик моҳияти индивиднинг социаллашуви негизида туради, бинобарин, бу жараёнда у шахс сифатида таркиб топади. **Социализация – ижтимоийлашув** деганда индивид томонидан билимлар, меъёрлар ва қадриятларнинг муайян тизимига хос ҳаётий фаолиятни амалга ошириш тушунилади. Мадомики, ижтимоийлашув динамик характерга эга бўлар экан, у вақтда шахс ҳамма вақт жараёндир, бу ҳамма вақт таркиб топишидир. Борди-ю, шахс ўзининг таркиб топишида, ўз интилишларида турғунликка учраса – бу инқирозга учраётган шахсдир. Шахснинг таназзулга учраши унга бошқаларнинг иродасига мослашиб ҳаракат қилиш, режалануви, яшаш орқасида юз беради, бундай ҳолда танлаш ва эркин ҳаракатга ўрин қолмайди.

Шахс эркинлиги. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш инсон камолотининг демократик тамойилидир .

Эркинлик фалсафада бутун ижтимоий тарих давомида инсоният ва инсон шахси ҳаётининг уткир муаммоларидан бири бўлиб келди. Чунки, эркинлик ижодий яратувчи, фаол, ўз олдига қўйган мақсадлари сари ҳаракат қилувчи инсоннинг эҳтиёжи бўлиб, унинг табиати билан боғлиқдир.

Шахс эркинлиги у индивидуаллигининг ва жамият тараққиёт даражасининг тарихий, ижтимоий ва ахлоқий мезони, улчовидир. Шахс эркинлигини чегаралаб қуйиш ҳам шахсга, ҳам жамиятга катта путур етказди. Айнан шахс эркинлиги туфайли жамият атроф воқеликнинг мавжуд табиий ва ижтимоий шарт-шароитларига мослашибгина қолмасдан, балки ўз мақсадларига мувофиқ уларни ўзгартиради. Албатта, мавҳум ва мутлақ маънодаги эркинликнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки, шахс табиат ва жамиятдан бутунлай эркин бўла олмайди. Фалсафада, тарихда эркинлик зарурият тушунчаси билан боғлиқ равишда ўрганилган.

Заруриятнинг ўзи нима? **Зарурият** деганда уни тақдир тақозоси (диний қарашлар), воқелик ривожланишининг пировард натижада қонуний зарурий ҳолда юз бериб ўзига йўл топиб олиш (материалистик, детерминистик қарашлар), маънавий ривожланиш ифодаси (турли психологик ва субъектив йўналишдаги фалсафий қарашлар) каби тарзларда талқин этилади.

Ўзининг амалий фаолияти жараёнида кишилар реал мавжуд ҳаётнинг табиий шарт-шароитлари, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар, моддий - техник воситалар тарзида тараққий заруриятнинг қонкрет кўринишлари билан дуч келадилар. Ўз фаолиятларининг объектив шароитларни танлашда,

кишилар эркин эмаслар. Аксинча бу шарт-шароитлар кишиларнинг кизиқишлари ва интилишлари доирасини белгилаб беради. Лекин, шунга қарамасдан улар ўз фаолиятлари доирасини аниқлашда маълум эркинликка эгадирлар. Чунки, ҳар бир тарихий даврда битта эмас, балки бир нечта ривожланишнинг реал имкониятлари мавжуд бўлади. Хаттоки, ҳеч қандай танлаш имконияти бўлмаганда ҳам шахс ўз эркинлиги доирасида юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ўзини четга олади, ижобий ҳодисаларни рўёбга чиқаришга интилади. Ваниҳоят кишилар ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун воситаларни танлаш эркинлигига эга. Демак, эркинлик мутлақ эмас ва маълум мақсад ва ҳаракатлар режасини танлаш йўли билан имкониятларни англасалар тўғри бўлади. Кишилар қанчалар ўз имкониятларини англасалар, мақсадларига эришиш учун қачалар кўп воситаларга эга бўлсалар ва ижтимоий ривожланишнинг улар учун қулай бўлган йўналишлардан имкон даражада фойдалана олсалар улар шунчалар эркиндирлар.

Реал воқеликда тараккий зарурият ва шасх эркинлиги масаласи бир-бирига боғлиқдир. Тарихий детерминизм шахс эркинлигини, кишиларнинг ижтимоий фаолиятида танлаш эркинлигини инкор этмайди, балки тақозо этади.

Шундай қилиб, эркинлик фалсафада «англаб олинган зарурият» сифатида талқин этилади. Бу таърифга мувофиқ шахс, жамоа, синф ва жамият эркинлиги табиат ва жамият объектив қонунларидан эркинлигида эмас, балки ўз хатти-ҳаракатларини онгли танлаш қобилиятидир, яъни ишни кўзини билиб қарор қабул қилишдадир. Шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини онгли танлаб олиш унга маълум ахлоқий ва ижтимоий масъулиятни юклайди. Эркинлик ва масъулият ўртасида тўғри пропорционал боғланиш мавжуд. Шахс қанчалик эркин бўлса, у ўз зиммасига шунча катта масъулиятни юклайди.

Танлов эркинлиги туфайли инсоният жамияти ривожланишининг истаган босқичида ва истаган жойида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар ўрганилиши, ўзлаштирилиши ва ижодий такомиллаштирилиши мумкин.

Инсон шахсининг бу жиҳати фақат индивидуал табиатга эга булмай, балки ялпи ижтимоий жиҳатларда ҳам кўринади. Яъни шахсларгина эмас, балки катта ёки кичик эл-элатлар, миллатлар ва халқлар ҳам ўз тақдирларига тегишли ҳолларнинг барчасида ижтимоий танлов эркинлигига эгадир. Лекин булар шахс ва ижтимоий кучлар жамият соф субъективлигининг натижаси эмас, балки пировардида объектив тақозоланганлиги оқибатидир.

Шахс эркинлиги индивидуал сезги, субъектив эркинлик сифатида мақсадли танлов қилишдан бошлансада, инсоннинг табиатан фаоллиги юқорироқ босқичларда – мақсадга эришиш учун танланган воситаларни ишлатиб, муайян хатти-ҳаракатлар қилишда (объектив эркинликда) ниҳоясига етади.

Эркинликнинг субъектив ва объектив ифодаланишларида ундаги ички

ва ташқи томонларнинг хусусиятлари, ўзаро боғлиқлиги ва муҳим фарқларини пайкаш қийин эмас.

Шахс эркинлигининг ички томони белгиловчи ва тузилишига кўра анча мураккаб бўлиб, асосий унсурлар сифатида мақсад ва воситаларни танлаш, амалга ошириш учун зарур бўлган вазиятларни билишни, бу билинган, ўзлаштирилган ташқи заруриятни ички эътиқод билан мувофиқлаштириб олиш, ниҳоят, ўзлигини тўла намоён этиш кабиларни ўз ичига олади. Булар алоҳида олинганида ҳам, биргаликда олинганида ҳам нисбий мустақил тарзда мавжуддир.

Ташқи эркинлик - бу даставвал мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимида шахс борлигининг ўрни ва аҳамиятини ифодаланиши, унинг ички эркинлигининг ҳиссий-буюмлашган тарзда намоён бўлишидир. Бунда охир оқибатда шахс билан жамият манфаатларининг нисбати масаласи марказий ўринда туради.

Шахс ва жамият манфаатлари муаммосининг ечимида, яъни шахс эркинлиги масаласида, бир-бирини истисно қиладиган икки хил қарашлар мавжуд. Улардан бири инсон шахси манфаатларини тараққиётини белгиловчи омил ҳисобланиб, уларни мутлақлаштиради.

Иккинчиси эса, аксинча, инсон жамиятининг шунчаки бир унсури сифатида қараб, унинг манфаатини ижтимоий манфаатлар олдида аҳамиятсиз қилиб қўяди. Бу иккала қарашда ҳам шахс ва жамият манфаатлари нисбати тўғрисида гап боради.

Агар инсоният тарихига назар ташласак, шу нарсани гувоҳи бўламизки, бу масала турли тарихий даврларда турлича хал қилинган. Масалан, ижтимоий жамоа тузими шароитида индивидлар манфаати тўлалигача жамоа (уруг, қабила) манфаатига бўйсундирилган. Уругнинг ҳар бир аъзоси анъана кучи билан мустахкамланган ва ўзи учун умумий тарзда ажодлардан қолган анъаналар, урф-одат ва маросимлар кучи билан бошқарилган синфий жамиятлар вужудга келиши билан инсон шахси ривожланиб, унинг жамият билан муносабатларда ажралиш рўй берди. Энди инсон маънавий дунёси, хатти-ҳаракати, фаолиятининг материаллари, мавжуд ижтимоий тузим, унинг институтларига муносабати ва хоқозоларда айна шу ажралиш белгиловчи мавқега эга бўлади. Лекин ҳар бир даврда жамият тараққиётида юз берган ўзгаришлар натижасида шахс ва жамият муносабатларида муайян мувозанатга эришилиб борилди. Жамият илгариланма ҳаракатида қўйилган ҳар бир кадам маълум маънода шахс ва кенг халқ оммаси эркинлиги даражасини ошиб боришини билдиради.

Ҳар бир конкрет тарихий даврда кишиларнинг эркинлиги даражаси охир натижада шу жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига, фан ва техника ҳолатига, ижтимоий муносабатлар ва сиёсий тузимга боғлиқ бўлади. Шахс эркинлиги доим жамият эркинлигининг бир қисми ҳисобланади.

Эксплуатация ҳукмронлик қилган жамиятларда ҳукмрон синф омманинг хатти-ҳаракатларини доимо чегаралаб қуйишга ҳаракат қилган. Шахснинг, айниқса, унинг ривожланган маънавий босқичини ифодалайдиган

хусусиятлар - мустақил фикрлаш, танкидийлик, ишчанлик ва хоказолар давлат жазолаш ташкилотларининг доимий назорати остида бўлди, кишилар белгилаб кўйилган чегаралар доирасида ўз эҳтиёжларини қондириш йўллари ахтарадилар. Уларнинг натижасида амалда бўлган куркиш, бири-биридан хавфсираш вазиятлари шахсларни ҳар қандай жамоадан ўзларини четга олиш, ўз манфаатларини яширинча химоя қилиш ва хоказо ҳолатларда бўлишга мажбур этди.

Нодемократик тоталитар давлатнинг инсон шахсига табиий таъсирини совет тузими мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳақида Президентимиз И. Каримов шундай дейдилар: «Биз зўровонликка, коммунистик ақидапарастликка асосланган етмиш йилги даврни бошимиздан кечирдик. Бу даврда оммани сохта ғояларга ишонтириш, уларга итоат қилдириш учун қанчадан - қанча куч маблағ сарф бўлмаган дейсиз.»(Каримов И. А. Хушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999 й. 22 бет.)

Хозир мустақил Ўзбекистонда демократияни, унинг шарқона анъаналарини кенг ривожлантириш, қонунлар устуворлигини таъминлаш давлат ва жамият олдидаги вазифалардан бири бўлиб турибди.

Мустақил Ўзбекистон шароитида шахснинг виждон эркинлиги, мулкӣ дахлсизлиги ва бошқа ҳуқуқӣ қафолатлари конституцияда белгилаб кўйилган. Давлат жамият ҳаётининг қайси бир соҳасига оид қонун-қоидаларни ишлаб чиқармасин, шахснинг қомусида белгилаб кўйилган мақомига қарма-қарши бўлмаслиги лозим. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида шахс ривожланишининг шартӣ демократия эканлиги ўзининг ҳаётӣ кучини кўрсатмоқда.

Тарихӣ ривожланиш жараёнида шахснинг ўрни масаласи ҳақида гап борганда, уларнинг буюклиги мансуб ижтимоӣ гуруҳ, эл-элат, халқнинг фикр-ўйини тўла ифодалаш, уларнинг мақсад, вазифаларининг тарихӣ жараён қонунияти асосида амалга ошириши кўзда тўтилади. Албатта, бундай шахс ўз халқининг сифат ва фазилатларини ўзида гавдалантиради. Бироқ, шахснинг хусусиятлари тўғрисида сўз борганда Амир Темурнинг сиймоси кўз олдимизга келади. Бугунги кунда бундай фазилат Президент И.А. Каримов фаолиятида ёрқин ифодаланмоқда.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг йўналишларидан бири қомил шахс - инсонни вояга етказишдир. Унинг фалсафӣ дастур амалӣ принциплари И.А.Каримов асарларида ўз ифодасини топган. «Бу соҳада пировард мақсадимиз, - дейди Каримов II чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида, - иймон эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо меросими ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган барқамол инсонни тарбиялашдан иборат.» (Фарғона ҳақиқати. 2000 й. 25 январ)

3. Инсон манфаатлари, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари. Ислохотлар – инсон манфаатларини рўёбга чиқариш жараёнидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсонни маънавий-руҳий жиҳатдан камол топтиришга қаратилгандир.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжларини унинг табиий-моддий манфаатларидан ажратиш, унга фақат илоҳий мавжудот сифатида қараш ҳам бирёқламаликка олиб келиши, етилган ижгимоий муаммолар моҳиятини тўғри тушунишга халақит бериши мумкин.

Мамлакатимизда шаклланаётган миллий ғоя ва миллий мафкура инсонга бирёқлама қарашларга зид равишда, ундаги моддийлик ва маънавийликни уйғунлаштиришни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти кишиларнинг фаровон, бой — бадавлат, мулкдор, барча қулайликларга эга бўлишини инкор этмайди. Аксинча, уларни тadbиркор, удабурон ва меҳнатсевар бўлишга рағбатлантиради. Юксак маънавиятгина инсон эҳтиёжларини оқилона қондиришга, ижгимоий адолат ўрнатиб, саҳий ва олийҳиммат бўлишга ундайди.

Антропологая инсоннинг маънавий оламига чуқурроқ кириб бориш орқали олам моҳиятини билиш мумкин, деган ғояни илгари суради. Инсоннинг олижаноб фазилатлари етук шахслар тимсолида ўз аксини топада. Инсонга хос бўлган барча хусусиятлар шахс фаолиятида, унинг жамиятда тутган ўрнида, унинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришида, муайян мафкурани амалга оширишида яққол кўринади.

Шахснинг шаклланиши ва ривожланишида тарихий шарт-шароит, айниқса, ғоя ва мафкура муҳим ўрин тутди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида вужудга келган муаммо ва вазифалар янги баркамол инсонни вояга етказишни тақозо этди.

Бозор иқтисодиёти инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, унинг қобилияти, ижгимоий фаоллигини янада кучайтириш учун кенг имкониятлар яратди. Булар қуйидагилардир:

- меҳнатни ташкил этиш усул ва шакллариининг ўзгарганлиги;
- меҳнатга янгича муносабатни рағбатлантиришга ёрдам берувчи омиллар;
- ўз қобилияти, қизиқишларига мос бўлган фаолият турларини танлаш имкониятиниинг яратилганлиги;
- шахс тadbиркорлиги ва ишбилармонлигининг қўллаб - қувватланиши;
- турли мулк шакллариининг вужудга келганлиги;
- шахс эрки ва ҳуқуқларининг кенгайганлиги;
- давлат ва жамоат ишларида қатнашиш имкониятларнинг яратилганлиги;

- демократик кадриятлар ривож;
- маънавий мерос ва маданият ютуқларидан эркин фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги кабилардир.

Улар шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжларни кондиришда, унинг комил инсон сифатида ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барча ислохотлар инсон манфаатлари, унинг эзгу мақсадлари рўёбга чиқишини таъминлашга, унинг баркамол сифатлар касб этишига қаратилгандир. Шахс ислохот натижаларидан баҳраманд бўлувчигина эмас, балки уларни собитқадамли билан амалга оширувчи куч сифатида ҳам янгилааниш жараёнида ўзгаради, юксалади, кадр-қиммат топади ва эъзозланади.

Демократик жамият инсон ҳуқуқларини таъминлапши ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, бундай кишиларни тарбиялашга, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга, кишилар онгида миллий манфаат ва ижтимоий кадриятларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

4.Инсон муаммосини ўрганишнинг зарурати ва аҳамияти.

Инсон моҳиятини фалсафий билиш улкан тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Инсон фалсафаси ҳар бир янги тарихий даврларда инсон моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Инсонга хос хусусият ва фазилатларни билиш орқали талаба ўзида шундай сифатларни шакллантиришга интилади. Бундай фазилатлар фалсафа ва бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш ва умуман, таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Замонавий билим ва юксак инсоний фазилатларни эгаллаш орқали Ўзбекистонда озод ва обод жамият қуриш вазифалари уйғунлигини таъминлашга эришиш бутун таълим-тарбия ишимизнинг бош мезони ва унинг олдида турган муҳим вазифадир.